

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/31.03.2021.FIL.78.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА ТУЗИЛГАН БИР МАРТАЛИК КЕНГАШ
ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ДАВЛЯТОВА ЭЛЬВИРА МУРАДОВНА

**МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ҒАРБИЙ
ЕВРОПА ЎЗЛАШМАЛАРНИНГ МАДАНИЯТЛАРАРО
ТАДҚИҚИ**

10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)

ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Термиз – 2021

УДК (УЎК, UDC): 81'373.45+81'373.613

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Давлятова Эльвира Мурадовна

Мустақиллик даври ўзбек тилидаги Ғарбий Европа ўзлашмаларнинг
маданиятлараро тадқиқи.....5

Давлятова Эльвира Мурадовна

Заимствование западноевропейской лексики в аспекте межкультурной
коммуникации (в узбекском языке периода независимости)27

Davlyatova Elvira Muradovna.....

Borrowing Western European vocabulary in the intercultural aspect (in the
Uzbek language of independence).....53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....57

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/31.03.2021.FIL.78.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА ТУЗИЛГАН БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДАВЛЯТОВА ЭЛЬВИРА МУРАДОВНА

**МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ҒАРБИЙ
ЕВРОПА ЎЗЛАШМАЛАРНИНГ МАДАНИЯТЛАРАРО
ТАДҚИҚИ**

10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси**
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги **Олий аттестация комиссиясида B2020.3PhD/Fil**
1398 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Термиз давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий Кенгашнинг веб-саҳифасида (www.terduz.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net/uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бакиров Поён Уралович
филология фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Джусупов Маханбет
филология фанлари доктори, профессор

Пардаев Азамат Бахромович
филология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Термиз давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи 03/31.03.2021.Fil.78.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «04» декабрь соат 13 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 190111, Термиз ш., Баркамол авлод кўчаси, 43. Тел.: (376) 221-71-17; e-mail: termizdu@umail.uz.)

Диссертация билан Термиз давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (34 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 190111, Термиз ш., Баркамол авлод кўчаси, 43. Тел.: (376) 221-74-55

Диссертация автореферати 2021 йил «04» декабрь да тарқатилди.
(2021 йил «04» 12 даги 7 - рақамли реестр баённомаси)



Б.Умуркулов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш раиси, филология фанлари доктори (DSc), доцент

А.А. Эшмўминов
Илмий даражалар берувчи Илмий Кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш котиби, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ш.Ёкубов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қонидаги Бир марталик илмий семинар раси ўринбосари, филология фанлари номзоди, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида сўзларни бошқа тилларга кириб бориш ҳодисаси (пенетрация)ни тил ресурсларидан фойдаланишнинг муҳим усули сифатида ўрганишга бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Ҳозирги даврда тил тизимларининг ўзаро таъсири жараёнини маданиятлараро мулоқот нуқтаи назаридан ўрганиш бир халқ маданиятининг бошқа халққа ўзаро таъсирида намоён бўлиб, моддий маданиятнинг объектларининг янгилашига омил бўлмоқда. Турлича маънавий қадриятларни идрок этиш, ўзлаштирилган сўзлар орқали ахборот алмашилиши жаҳон тилшунослигининг энг муҳим ва истиқболли вазифаларидан биридир.

Дунё тилшунослигида тилларнинг маданиятлараро мулоқот шароитида ўзаро таъсири тил тизимининг лексик даражасида ўзгаришларга олиб келиши муқаррардир. Бу эса, ўз навбатида, ўзлаштира лексикани вужудга келтиради. Ўзбек адабий тилининг луғавий бойиб бориши тил қонуниятларига мослашган ва инсон фаолиятининг барча соҳаларини қамраб олган Ғарбий Европа тилларидан сўзларнинг кириб келиши асосида содир бўлади. Бинобарин, Ғарбий Европа тилларидан сўзларнинг маданиятлараро тилшунослик тамойилларига мувофиқ кириб келишини ўрганиш замонавий тилшуносликнинг долзарб муаммоларини самарали ҳал қилиш учун янги имкониятлар яратади.

Ўзбек тилшунослигида ҳам бошқа тиллардан, хусусан Ғарбий Европа тилларидан ўзлашган сўзлар ва уларнинг хусусиятларига, ўзига хослик ва таҳлилига алоҳида аҳамият бериб борилмоқда. Шунини таъкидлаш жоизки, ўзбек тилига Ғарбий Европа тилларидан сўзларни ўзлаштирилиши, тилнинг ички эҳтиёжлари билан ҳам, Ўзбекистон ва хорижий давлатлар маданий алоқаларининг мустақамланиши билан боғлиқ. Замонавий Ўзбекистонда давлат тили бўлган ўзбек тили билан биргаликда бошқа хорижий тилларни ҳам ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, давлат тилининг халқаро даражадаги ўрни ва нуфузини ошириш, бу йўналишда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари ўрганилмоқда¹. Шу муносабат билан мулоқот тажрибаси, миллий ва дунё миқёсида алоқа ўрнатиш маҳорати, ягоналик ва универсаллик ўртасидаги боғлиқликни тушуниш билан шартланган билимлар алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сон Фармони URL:<https://lex.uz/docs/4561730>

стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сон Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги “Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитиш сифатини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 610-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 октябрдаги “Фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги ЎРҚ-576-сон Қонуни ҳамда бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда қайд этилган вазифаларнинг бажарилишида ушбу тадқиқот иши маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маданиятлараро мулоқот шароитида сўзларни ўзлаштирилиш жараёнини ўрганишнинг долзарблиги турли билим соҳалари олимларининг эътиборини тортади. Бу борада хорижий олимларидан Э.Холл, Л.Самовар, Р.Портер, И.И. Халеева, С.Г. Тер-Минасова, О.А.Леонтович² ва бошқаларнинг ишлари муҳим назарий ва услубий аҳамиятга эга бўлиб, уларда маданиятлараро мулоқотнинг концептуал ва амалий жиҳатларига алоҳида эътибор берилган. Маданиятлараро мулоқотнинг лингвокультурологик, когнитив, лингводидактик хусусиятларини билиш, этник маданий бўшлиқларни ўқитиш билан боғлиқ айрим масалалар В.Н.Телия, А.Вежбицкая, В.В. Кабакчи, В.В.Воробьев, В.А. Маслова, Д.У.Ашурова, Д.У.Хошимова, М.Г. Махкамова, М.Д.Джусупов, А.Э.Маматов³ ва бошқаларнинг лингвистик асарларида кўриб чиқилган.

² Hall E.T. Silent language. – New York: Doubleday, 1990. – 192 p.; Samovar L.A., Porter R. Intercultural communication: – Belmont: Wadsworth Publishing Company, 1997. – P. 379-391; Халеева И.И. Основы теории обучения пониманию иноязычной речи (подготовка переводчика). – Москва: Высшая школа, 1989. – 238 с.; Тер-Минасова С.Г. Язык и межкультурная коммуникация. – Москва: Слово/Slovo, 2000. – 624 с.; Леонтович О.А. Введение в межкультурную коммуникацию. – Москва: Гнозис, 2007. – 368 с.

³ Телия В.Н. Фразеология в контексте культуры. – Москва: Языки русской культуры, 1999. – 336с.; Маслова В.А. Лингвокультурология. – Москва: Академия, 2001. – 183с.; Воробьев В.В. Лингвокультурология. – М: Изд-во РУДН, 2006. – 330 с.; Кабакчи В.В. Практика англоязычной межкультурной коммуникации. Учеб. пособие. – СПб.: Союз, 2007. – 62 с.; Вежбицкая А. Язык. Познание. Культура. – М.: Наука, 2008. – С. 18.; Ашурова Д.У. Производное слово в свете коммуникативной теории языка. – Тошкент: Фан, 1991. – 97 с.;

Замонавий тилшуносликда сўзларни ўзлаштириш масалаларини ўрганиш турли тиллар материаллари асосида тадқиқ этиб келинмоқда. Хорижий ва ватанимиз тилшуносларининг асарлари катта илмий аҳамиятга эга (инглиз тилида: Э.Хауген, У.Вайнрайх, К. Гарланд, Э.Нуненман; француз тилида: Б.М.Аббатова, С.В. Мухин, И.Б.Свечин, И.Б.Воронцова, З.М.Галимуллина, В.Г. Гак; немис тилида: Б.Н Забавников, В. Carstensen., Ю.Г.Коротких, Е.В. Розен, Н.Бургер, М.С.Омельченко⁴; ўзбек тилида: Р.Данияров, И.У.Асфандияров, А. Джуманиёзов, Ш.К.Абдураимова, Н.И.Қодирова, А.Х. Тўрахўжаева, Р.З. Жомонов, А.Э. Худойкулов, Н.А. Исакова⁵ ва бошқалар). Аммо ўзбек тилшунослигида Фарбий Европа

Хошимова Д.У. Лакуны как совокупность слов или словосочетаний, маркированных наличием национально-культурного содержательного компонента // Вопросы филологических наук, 2004. – № 6. – С. 96-98.; Махкамова М.Г. Формирование межкультурной компетенции студентов филологического вуза (английский язык): Автореф. дисс... док.пед.наук. – Ташкент, 2011. – 47 с.; Джусупов М.Д. Социоллингвистика, лингводидактика, методика (взаимосвязь и взаимообусловленность) // Русский язык за рубежом, 2012. – № 1. – 22-28 с.; Маматов А.Э. Нутқ маданияти ва тил нормасига оид терминлар ва тушунчалар изоҳи. – Тошкент: Bayoz, 2014.

⁴Haugen E. Norwegian Language in America. – Philadelphia, 1953.; Weinreich U. Languages in Contact: Findings and Problems. Mouton Publishers, 1979. – 149 p.; Cannon Garland Sax Romer's Use of Oriental Words in His Fiction. Texas A&M University, 2005.; Nunnemann E.M. Borrowing in the English Language: <http://www.eva.nunnemann.com/wpcontent/borrowing-in-english3.pdf>; Аббатова Б.М. Социоллингвистические и лингвистические основы явления заимствования в разносистемных языках: Дисс. ... канд. филол. наук. – Баку, 1992. – 147 с.; Мухин С.В. Системно-функциональные характеристики фразеологических калек французского происхождения в современном английском языке. – Москва, 2005.; Свечина И.Б. Ассимиляция англо-американских заимствований во французском языке // ИЯШ. 1982. - № 3. – С. 66-72.; Воронцова И.Б. Изменения в семантике англо-американских заимствований во французском языке // ИЯШ. 1986. - № 4. – С. 13-18.; Галимуллина З.М. Динамика и функционирование англоязычной лексики в современном французском языке: Дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 1989, – 284 с.; Гак В.Г. Французский язык в современном мире // Языки в современном мире. – Москва, 2004. Т. 1. – С. 15-29.; Забавников Б.Н. Семантическое освоение французских лексических заимствований в современном немецком языке // Филологические науки. 1977. – № 4. – С. 71-79.; Carstensen V. Das Genus englischer Fremd- und Lehnwörter im Deutschen // Studien zum Einfluß der englischen Sprache auf das Deutsche., Gunter Narr Verlag Tübingen, 1980. – P. 37-77.; Коротких Ю.Г. Лексические заимствования в современном немецком языке. – Воронеж: Изд-во Воронеж, ун-та, 1980. – 108 с.; Розен Е. На пороге XXI века (новые слова и словосочетания в немецком языке). – Москва: Менеджер, 2000. – 190 с.; Burger H. Mediensprache. Berlin, de Gruyter., 2005. – 486 p.; Омельченко М.С. Особенности функционирования заимствованной лексики в текстах СМИ: на материале текстов немецкоязычной прессы: Дисс. ... канд. фил. наук. – Москва, 2010. – С.21-82.

⁵Данияров Р. Заимствование русско-интернациональных личных имен узбекским языком: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент: ИРЯ АН УзССР, 1967. – 19 с.; Асфандияров И. У. Русские лексические заимствования в узбекском языке // Вопросы языкознания. – Москва: Наука, 1982. – С. 75-81; Джуманиязов А. Ўзбек тилидаги герман тиллари ўзлашмалари. – Тошкент: Фан, 1987. – 75 с.; Абдураимова Ш.К. Теория заимствований и эволюция их варьирования в языке периодической печати (на материале русизмов прессы Сурхандарьинской области 1936-1990гг.): Дисс. ... канд.фил.наук. – Ташкент,1995. – 120 с.; Кадирова Н.И. Семантико-стилистический анализ заимствований в узбекском, русском языках в новейший период (1991-2001): Дисс. ...канд. фил. наук. – Ташкент, 2001. – С. 21-82.; Тўрахўжаева А. Х. Мустақиллик шароитида ўзбек тили ижтимоий-сиёсий лексикасининг тараққиёти: Дисс. ... канд.фил.наук. – Тошкент, Ин-т языка и литературы АН Узбекистана, 2012. – С. 26; Жомонов Р. Сўз ўзлаштиришнинг нолисоний омиллари // Ўзбекистонда хорижий тиллар. – Тошкент, 2014. – № 1. – С.40–45; Худойкулов А.Э. Рус ва ўзбек расмий ҳужжатларида инглизча ўзлашмалар (ўтмиш ва ҳозирги замон ҳолати): Автореф. дисс. ... док. философии по филол. наук. – Тошкент, ЎзДЖТУ, 2020. – 56 б.; Исакова Н.А. Мустақиллик йилларида ўзбек тилига кириб келган хорижий сўзларнинг таркибий-мазмуний таҳлили (“Халқ сўзи” газетаси материаллари асосида): Автореф. дисс. ... док. философии по филол.наук. – Самарқанд: Самарқанд давлат университети, 2021.– 51 б.

лексикасининг ўзлаштирилиши масаласини маданиятлараро йўналишда ўрганиш бўйича махсус тадқиқотлар олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Термиз давлат университети инглиз тили ва адабиёти кафедрасининг “Маданиятлараро алоқанинг долзарб муаммолари” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади – замонавий ўзбек тилида Ғарбий Европа тилларидан ўзлашган сўзларни маданиятлараро мулоқот нуқтаи назаридан очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тил ва маданиятнинг ўзаро таъсири масалаларини тадқиқ қилиш учун муҳим ҳисобланган асосий қоидалар ва ёндашувларни ўрганиш;

маданиятлараро мулоқотнинг дастлабки қоидаларини аниқлаш;

хорижий ва маҳаллий тилшунослар талқинини ҳисобга олган ҳолда “ўзлашма”, “лексик ўзлашмалар” “чет тили сўзлари” тушунчаларини асослаб бериш;

замонавий ўзбек тилида Ғарбий Европа тилларидан ўзлашган лексемаларни синхрон жиҳатларидан ўрганиш, кейинги ўн йилликларда уни интенсив равишда ўзлаштиришнинг сабаб ва оқибатларини тизимлаштириш;

аттракция марказларини аниқлаш, яъни, Ғарбий Европа тилларидан сўз ўзлаштириш орқали ўзбек тили луғавий таркибининг семантик-мавзуй жиҳатдан ўзлашма сўзларнинг бойиб бориш ҳолатлари ва коммуникатив муносабатларини таҳлил қилиш;

ўзбек тилидаги Ғарбий Европа тилларидан кириб келган калькаларнинг таснифлаш ва нутқий жараёндаги моҳиятини очиқ бериш.

Тадқиқот объекти – ҳозирги ўзбек тилида қўлланиладиган Ғарбий Европа тилларидан кириб келган ўзлашмалар.

Тадқиқот предмети – ҳозирги ўзбек тилида Ғарбий Европа тилларидан кириб келган ўзлашмаларнинг маданиятлараро мулоқот доирасида қўлланилиш хусусиятлари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот усуллари сифатида таснифлаш, тавсифлаш, компонент, этимологик, таҳлиллар, шунингдек, кроссмаданият ва лингвостатистик (баъзи бир элементлари) тадқиқот методлари қўлланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳозирги ўзбек тилида Ғарбий Европа тилларидан сўз ўзлашиш жараёни, шу тиллардан ўзлашган *стартап*, *аутлет*, *STEAM*, *хаб*, *feedback*, *бренд* каби сўзларнинг ўзбек тили луғат бойлигини ошириши ва маданиятлараро алоқа жараёнларидан фойдаланиш далилланган;

ҳозирги ўзбек тили тизимида ўзлашмаларнинг фонетик-график яқинлашуви Ғарбий Европа тиллари товушларининг ўзбек тили товушлари

мослашуви асосида сўз ясалиш (*e-, кибер-, нано -*) ва семантик (*изоҳли таржима, детерминологизация*) жиҳатдан ўзбек тили қонун-қоидаларига мувофиқлашуви очиб берилган;

Ғарбий Европа тилларидан ҳозирги ўзбек тилига ўзлашган сўзларнинг маданиятлараро мулоқот мазмуни жиҳатидан “молия ва иқтисод”, “жамият ва сиёсат”, “спорт”, “компьютер технологиялари ва интернет”, “маданият ва таълим”, “реклама” каби мавзуй гуруҳлар асосида мулоқот жараёнларининг коммуникатив вазифаларни бажариши далилланган;

Ғарбий Европа тилларидан структуравий, семантик ва яримкалькалаш асосида ўзбек тили луғат бойлигини бойитиш учун *глобал тармоқ, йўл харита, наномахсулот, киберкенглик, онлайн режим* каби маҳсулдор ўзлашган сўзлар асосида изоҳли луғатларни бойитиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбек тилига Ғарбий Европа тилларидан ўзлашган сўзларнинг адабий тилни луғавий жиҳатдан бойитишини асосланганлиги, шунингдек, маданиятлараро алоқаларининг лингвистик жиҳатдан ўрганилиши бошқа тиллардан сўз ўзлаштирилиши масалаларини ўрганувчи тадқиқотчилар учун асос бўлиши далилланган;

маданиятлараро атамалар луғатини тузиш ўзбек ва Ғарбий Европа тилларини чоғиштириб ўрганувчи тадқиқотчилар ва маданиятлараро таълим мазмунини янгилаш соҳасида амалга ошириладиган тадқиқотлар учун илмий асос бўлиши аниқланган.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги илмий ва ҳужжатли манбалардан олинган ёндашувлар, усуллар, маълумотлардан фойдаланиш, тавсифий, кросс-маданият ва қиёсий услублар воситасида ХХ-ХХІ асрлар чегарасида замонавий расмий матнлар, оммавий ахборот воситаларини лингвистик таҳлилини ўтказилиши, хулоса ва тавсияларни амалиётга татбиқ этилиши, олинган натижаларни ваколатли тузилмалар томонидан далилланиши билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти унинг натижаларини қўллаш билан боғлиқ бўлиб, у ўзаро таъсир назариясига ва ўзбек тили лексикасини чет тили материаллари билан бойитишга маълум ҳисса қўшади, ушбу муаммонинг асосий тамойиллари ва тушунчаларини такомиллаштиришга ёрдам беради. Диссертациянинг илмий натижалари ва хулосаларидан хорижий тиллардан сўз ўзлаштириш масалаларини тадқиқ қилишда, шунингдек, тилни луғат таркибини таҳлил қилишдаги тадқиқотларда фойдаланилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, улардан маданиятлараро мулоқот назарияси, ўзбек тили лексикологияси, ўлкашунослик фанлари бўйича маърузалар ўқишда ва махсус курслар ташкил қилишда, таянч докторантлар ва магистрларнинг илмий-тадқиқот ишларида, дарсликлар ва ўқув қўлланмалар ёзишда, олий ўқув юртларида лингвистик фанлар бўйича назарий курслар учун материал сифатида фойдаланиш

мумкин. Шунингдек, улар ёрдамида инглизча-русча-ўзбекча луғатлар тузиш, XX-XXI асрлар маданиятлараро атамалар луғатини такомиллаштиришда фойдаланилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ғарбий Европа тилларидан ўзлашган сўзларни маданиятлараро мулоқот жиҳатидан ўрганиш тадқиқи натижалари асосида:

диссертацияда қўлланилган ва тадқиқотлар давомида такомиллаштирилиб, илмий асосланган усуллар ва назарий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоғистон гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган Ф1-ГОО2 рақамли “Замонавий қорақалпоқ тилидаги функционал сўз ясаиши” фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоғистон гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2020 йил 15 декабрдаги 040/1-сон маълумотномаси). Натижада бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш асосида ҳосил бўлган ясама сўзлар таҳлилидан фойдаланиш натижасида лойиҳа бўйича бажарилган тадқиқотнинг мукамал бўлишига эришилган;

Ғарбий Европа сўз бойлигини ўзлаштириш жараёни билан боғлиқ илмий-назарий хулосалар 50-05 / 89 рақамли “Миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик-барқарорлик омили, маданий мерос, урф-одатлар, кадриятларини Тожиқ маданият маркази орқали кенг тарғиб қилиш” номли давлат грантида қўлланилган (Сурхондарё вилояти тожиқ миллий маданий марказининг 2020 йил 22 ноябрдаги 3-сон маълумотномаси). Натижада тадқиқот материаллари ўзбек тилида қўлланиладиган ясама сўзлар, грамматик ва лексик-семантик воситалардан фойдаланиш натижасида муомала жараёнларида тўғри қўлланилиши амалга оширилган;

диссертациянинг асосий назарий қарашлари Польша Республикасидаги Гданьск университети Инглиз ва Америка тадқиқотлари институти инглиз ва назарий тилшунослик факультетининг ўқув жараёнига татбиқ этилган ва “Introduction to Linguistics” (“Тилшуносликка кириш”), “Linguistics and Cultural Relativity” (“Тилшунослик ва маданий нисбийлик”) фанларини ўқишда фойдаланилган ҳамда инглиз тили ва адабиёти ўқитувчиси (PhD) Дорота Сильвия Мажевичнинг маърузалари мазмунини бойитишга хизмат қилган (Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 4 февралдаги 89-03-648-сон маълумотномаси). Натижада Ғарбий Европа тилларининг бошқа тилларга таъсири ҳақидаги ўқув жараёнларига тааллуқли маърузалар фактик материаллар жиҳатдан бойитилган;

диссертациянинг асосий назарий қоидалари: маданиятлараро алоқа; тиллар ва маданиятларнинг ўзаро таъсири; хорижий тиллар лексикаси: предмет-тематик тасниф, тузилмавий жиҳатлари 2019 йил 5-10 апрел кунлари бўлиб ўтган “Бахшичилик санъати” халқаро фестивалида гид-таржимонларни тайёрлашга асос бўлди. Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш қўмитаси ва Сурхондарё вилояти туризмни ривожлантириш

қўмиталари томонидан 2019 йил 24-25 август кунлари ташкил этилган “Ўзбекистон буюк йўллар ва цивилизация чорраҳасида: империялар, динлар, маданиятлар” форумини, 2019 йил 21-22 сентябрдаги “Open South International Business Forum II” халқаро бизнес-форумларни ўтказишга асос бўлди (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2021 йил 4 февралдаги 89-03-648-сон маълумотномаси). Натижада гид-таржимонларни тайёрлаш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 17та илмий-амалий конференцияларда (шулардан 7таси халқаро, 10таси республика) маъруза шаклида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 27та илмий иш чоп этилган. Шулардан 10 та илмий мақола, жумладан, 2таси хорижий ва 3таси маҳаллий Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан докторлик диссертацияси асосий илмий натижаларини нашр этиш учун тавсия этилган журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 128 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

“Маданиятлараро мулоқот шароитида лексик ўзлаштирмаларни ўрганишнинг назарий асослари” номли **биринчи бобида** ҳозирги даврда тилшуносликда маданиятлараро мулоқот назариясининг асослари ва муаммолари тадқиқ қилинади, замонавий тенденциялар нуқтаи назаридан сўз ўзлаштирилиши назариясининг шаклланиши ва ривожланишининг умумий ва ўзига хос масалалари ўрганилади, тилшуносликда ўзлашган сўзларнинг асосий турлари тизимлаштирилади ва таҳлил қилинади.

Бизнинг фикримизча, “маданиятлараро мулоқот” атамаси таърифининг ўзи муҳим аҳамият касб этиб, келажакда тадқиқот йўли ва методологиясини танлашни олдиндан белгилаб беради. Маданиятлараро мулоқот назариясининг асосчиси ҳисобланган америкалик маданиятшунос, антрополог Э. Холлнинг таъкидлашича: “мулоқот – бу маданият, маданият –

бу мулоқот”⁶. Унинг биринчи бўлиб мулоқотни таҳлил қилиш мумкин бўлган фаолият тури сифатида тавсифлаши, ўзининг “ўзаро алоқалар маданий модели” (cultural patterns of interaction)⁷ назариясини ривожлантиришига имкон берди. Эдвард Холл ғояларини илмий жамоатчилик томонидан қабул қилиниши ва муҳокамалари жараёнида “маданиятлараро”, “интермаданий”, “кроссмаданий” ва “мультимаданий” тушунчалари татбиқ қилиниб, ўзаро фарқланмасдан, илмий изланишларда бирдек қўлланилиб келинмоқда. Бироқ, “маданиятлараро” атамаси кенг тарқалиши натижасида вужудга келган янги илмий йўналиш маданиятлараро мулоқот назарияси номини олди. Маданиятлараро мулоқотнинг умумназарий ва услубий жиҳатларини ёритиб берган Э.Холл унинг назарий асосларини янада ривожлантириш учун янги истиқболларни очди ва бу ишларни Ж. Кондон, Ж.Фати⁸ ва бошқа олимлар давом эттирдилар. Немис тадқиқотчилари К. Кнапп ва А. Кнапп-Поттхофф “маданиятлараро мулоқотни турли гуруҳлар вакиллари ўртасидаги шахслараро ўзаро таъсир”⁹ деб ҳисоблашади. Е.М.Верещагин ва В.Г.Костомаров каби рус тилшуносларининг таъкидлашича, “маданиятлараро мулоқот”¹⁰ атамаси турли хил миллий маданиятларга мансуб бўлган шахсларнинг коммуникатив акт жараёнида бир-бирини етарли даражада тушунишини англатади. С.Г.Тер-Минасованинг фикрига кўра, “маданиятлараро мулоқот” тушунчасининг мазмуни “атаманинг ўзида мужассамдир: бу турли маданий қатламларга оид кишиларнинг ўзаро мулоқотидир”¹¹. Хорижий тадқиқотчилар таърифида “маданиятлараро мулоқот” атаманинг асосий маъноси куйидаги таркибий қисмлардан иборат: sender (жўнатувчи), message (хабар), receiver (қабул қилувчи).

Ўрганилаётган масалага оид мавжуд илмий қарашларни ушбу диссертация доирасида таҳлилий кўриб чиқиб, биз, ўз навбатида тушунчага куйидагича таъриф беришимиз мумкин: маданиятлараро мулоқот – бу турли хил маданий жамиятларга мансуб камида икки нафар коммуникатив шерикларнинг ўзаро алоқа муҳити ҳисобланиб, унинг замирида турфа миллий онглар ўзаро муносабати ва натижада ўзга воқеликни англаш жараёни ўз маданий образлари орқали намоён бўлиши тушунилади. Шу билан бирга, мулоқот жараёнининг ўзи шахснинг онгида маданиятлараро ҳақиқий диалогининг пайдо бўлишига замин яратади.

⁶Hall E.T. Silent language. – New York: Doubleday, 1990. – 192p.

⁷ Hall E.T., Hall E. How cultures collide // Weaver G.R. (ed.) Culture, communication, and conflict: readings in intercultural relations. –Needham Heights, MA: Simon and Schuster Publishing, 1998. – P.9–16.

⁸ Condon J. and Fathi Y. An Introduction to Intercultural Communication. N. Y., 1975.

⁹ Knapp-Potthoff A. and Werner Enninger. Analyzing Intercultural Communication (Studies in Anthropological Linguistics). – Stuttgart:De Gruyter Mouton, 1987. –319 p.

¹⁰ Верещагин Е.М., Костомаров В.Г. Язык и культура: Лингвострановедение в преподавании русского языка как иностранного. – Москва: Русский язык, 1983. – 248 с.

¹¹ Тер-Минасова С.Г. Язык и межкультурная коммуникация. – Москва: Слово/Slovo, 2000. – 624 с.

Ўзга тилга оид сўзларни тадқиқ қилишнинг асосий йўналишларига В. Вайнрайх томонидан асос солинган бўлиб, у учта асосий релевант омиллар мажмуини ажратиб кўрсатди: *экстралингвистик ёки социолингвистик, ички ёки психолингвистик ва бевосита лингвистик*¹². Ватандош ва чет эллик тилшунослар эътиборини жалб қилиб келаётган ўзлаштириш жараёни ўз ривожланиши давомида илмий адабиётларда турли даврларда турлича ёритилган. Рус тилшунослари “ўзлашма” атамасини “турли (морфология, фонология, лексика, семантика, синтаксис) элементларнинг бир тилдан иккинчи тилга кўчиш жараёни”¹³, “ўзлашманинг бир марталик, окказионал ишлатилишидан бошлаб, лисоний тизим воситалари томонидан ўзлаштирилиб, натижада унинг рецептор тил тизимига тўлақонли элемент сифатида кўшилиши” сифатида талқин қиладилар¹⁴.

Хорижий илмий адабиётларда асосан иккита атамани учратиш мумкин – “*borrowing*” ва “*loanword*”. Э. Хауген, Р. Л. Траск, К. Майерс-Скотт каби олимлар ўз тадқиқотларида ушбу атамаларнинг ўзаро фарқларини ўрганганлар. Масалан, “*borrowing*” умумий атама ҳисобланиб, ўзлаштириш жараёни ҳамда ушбу жараённинг натижасини ҳам ўз ичига қамраб олади, “*loanword*” (нем.: «*lehnwort*») эса алоқа натижасида пайдо бўлган аниқ лексик бирликдир¹⁵. Шунга қарамай, ХХІ аср тадқиқотларида анъанавий ёндашувлардан ташқари маданиятлараро, лингвомаданий, культурологик ва когнитив каби янги ёндашувлар пайдо бўлдики, улар ўзлашмаларни тадқиқ этишни маданий алоқалар, “ўзлаштирилган сўзлар ва концептлар воситасида лингвомаданий жамиятлар вакилларининг концептуал ва лисоний дунё манзаралари” ўзаро кесишувини акс эттирилишини назарда тутди¹⁶. Бунда ўзлаштириш кенг маънода, яъни билимлар, культуремалар ва концептлар¹⁷ ёки лисоний birlikларнинг ўзлаштирилиши, ҳамда бошқа лингвомаданиятлардан элементларнинг кириб келиши тушунилади¹⁸.

Ҳозирги вақтда ўзлашмаларидан иборат терминологик корпус ўндан ортиқ номларни ўз ичига олади: *ўзлашмалар; квазиўзлашмалар* (лот.: “*quassi*” – “ўхшаш”, “сингари”)¹⁹; *ксенизмлар, диаксенизмлар, палеоксенизмлар, экстранизмлар; чет тилларига оид сўзлар, варваризмлар,*

¹² Weinreich U. Languages in Contact: Findings and Problems. The Hague: Mouton and Co., 1964. – 149 p.

¹³ Крысин Л.П. Иноязычные слова в современном русском языке. – Москва: Наука, 1968. – С. 18.

¹⁴ Матвеева О.В. Лексическое калькирование как результат лингвокультурного влияния в условиях межкультурной коммуникации: Автореф. дисс. ... канд. фил. наук. – Саратов, 2005. – 216 с.

¹⁵ Хауген Э. Языковой контакт // Новое в лингвистике. – Москва: Прогресс, 1972. – Вып. 6. – С. 61-80.; Trask R. L. Key Concepts in Language and Linguistics. Psychology Press, 1999. – 378 p.; Myers-Scotton C. Contact Linguistics. Bilingual Encounters and Grammatical Outcomes. Oxford University press, 2002. – P. 360.

¹⁶ Казак Е. А. Роль заимствований в формировании русского литературного языка // Русский язык в современном обществе: функциональные и статусные характеристики. – М., 2005. – С. 189-196.


¹⁷ Ефименко Т. М. Роль иноязычной лексики в объективации взаимодействия картин мира: Автореф. дис. ... канд. фил. наук. – М., 2009. – С. 4.

¹⁸ Тарасова М. В. Семантические изменения английских заимствований в русском и немецком языках в условиях глобализации: Автореф. дисс. ... канд. фил. наук. – Белгород, 2009. – 20 с.

¹⁹ Баш Л. М. Дифференциация термина «заимствование»: хронологический и этимологический аспекты // Вестник Моск. ун-та. – Сер. 9. Филология. 1989. – С. 22–34.

экзотизмлар (экзотик сўзлар); алиенизмлар²⁰; локализмлар; макаронизмлар; интернационализмлар (интернационал сўзлар); регионализмлар²¹, ўзга тизимга оид лисоний бирликлар; ўзга тилга оид унсурлар, экстремал ўзлашмалар ва бошқалар.

Тилшунослик адабиётлари таҳлили натижасида экзотик сўзлар, ўзга тилга оид унсурлар, варваризмлар каби атамаларнинг чалкаштирилиши кузатилади, бу ҳолат турли хил ҳодисаларни номлаш мезонларига ягона ёндашув йўқлигидан дарак беради. Л.П.Крисин, экзотик сўзларнинг иккала белгисига (ташқи тизим ва уларнинг қабул қилувчи тилида ўзлаштирилмаганлиги), ўзлашма сўзларни (ўзлаштирилган) ва экзотик сўзлар (ўзлаштирилмаган) ўзлаштириш даражасига бўлинади. Бу фикрнинг тасдиғини ўзбек тилида ҳам топамиз. Тадқиқот давомида беш томлик “Ўзбек тили изоҳли луғати” материали асосида Ғарбий Европа мамлакатлари тилларидан ўзлаштирганлик даражасига кўра хорижий тилларнинг луғат гуруҳлари аниқланди (1.2-расмга қаранг):




1.1-расм. Ғарбий Европа мамлакатлари тилларидан ўзлаштирганлик даражасига кўра хорижий тилларнинг луғат гуруҳлари

Диаграммада кўрсатилганидек, “Ўзбек тили изоҳли луғати” маълумотларига кўра, Ғарбий Европа тилларидан ўзлаштирилган сўзлар сони 2828 сўзларни ташкил қилади. Улардан: француз -598 (21%), инглиз - 263 (9%), немис - 224 (8%), италян -101 (4%), голланд - 32 (1%), испан -18 (0,6%), португал- 4 (0,1%), белгиялик - 1 (0,03%). Таҳлил натижасида ўзбек тилининг изоҳли луғатида: лотинча сўзлар – 916 (32%) бирлик, юнонча – 670 (24%), булар интернационализмлар мавжудлиги аниқланди. Кўрсатилган муаммо нуқтаи назаридан ўзбек тилида ўзлаштирилмаган, амалда бўлган экзотик сўзларни таҳлил қилиш муҳимлиги исботланди.

²⁰Берков В.П. Двухязычная лексикография. Изд.2-е, перераб. и доп. – М.: Астрель. АСТ. Транзиткнига, 2004. – 236 с.

²¹Маковский М. М. К проблеме так называемой "интернациональной" лексики // Вопросы языкознания. – 1960. – № 1.



1.2 – расм. Ўзбек тилидаги экзотик сўзларнинг миқдорий таҳлили

Диаграммада келтирилган маълумотларга асосланиб, энг ўтказувчан “Маданият ва таълим” сфераси бўлиб, уларнинг сони 105 бирлик ва 43%ни ташкил қилади. Таҳлил қилинган экзотизмларнинг умумий сони 245 бирлик эканлиги аниқланди.

Ўтказилган тадқиқотда ўзбек тилида чет тил вкрапленияларининг қўлланиши тобора характерли бўлиб бораётганини ишончли исботлайди: “*Нидерландиянинг автомобиллар учун GPS-навигациялари ишлаб чиқаришига...*” (Халқ сўзи. 2012. №43); “*Лойиҳа бунёдкорлари – IP мутахассислари ўзгаришларга тайёр бўлишни ...*” (Yosh Kuch. 2019. № 3);

Таҳлил қилинган чет тил вкраплениялар сони 172 та бўлиб, умумий Ғарбий Европа лексика ҳажмини 21,7% ни ташкил қилади. Мазкур статистик ҳажм турларига қуйидагича тақсимланади (1.3-расм):



1.3-расм.Ўзбек тилидаги чет тил вкрапленияларининг миқдорий таҳлили

Тақдим этилган диаграммадан хулоса қилишимиз мумкинки, ўзбек тилидаги чет тил вкрапленияларининг энг фаол қўлланилиш соҳаси “Молия

ва иқтисодиёт” соҳаси бўлиб, уларнинг сони 61 бирлик, фоизда 35 % ташкил этади.

Шундай қилиб, ўзлашган сўзларнинг кўплаб таснифлари мавжудлигига карамай, тилшуносликда ўзлашмаларнинг ягона тан олинган типологияси муқаррар эмас.

Ишнинг “**Ғарбий Европа лексикасини ўзлаштиришнинг асосий йўналишлари**” номли иккинчи бобида ўзбек тилида Ғарбий Европа ўзлашмаларининг формал, хусусан, фонетик, морфологик ассимиляцияси хусусиятлари кўриб чиқилади, бошқа тил элементлари билан сўз яшашнинг турлари ва усуллари тадқиқ этилади, ўзбек тилида Ғарбий Европа лексикасини ўзлаштиришнинг мулоқот соҳалари бўйича мавзуй таснифи келтирилади ва ўзлашиш жараёнининг семантик жиҳатлари тасниф этилади.

Л.П. Крисиннинг фикрини маъқуллаб, фонетик ўзлаштириш жараёнини сўз ўзлаштирилганлигининг асосий мезонларидан бири²², деб ҳисоблаймиз. Бошқа тилдан олинган сўзларнинг ўзбек тили тизимида ўтишида фонетик ассимиляция кўрсаткичлари сифатида қуйидаги товуш ўзгаришлари яққол намоён бўлади: 1) унли товуш **a** → дифтонг **эй** (*international* → *интернэйшнл*; *e-mail* → *э-мейл*, *fashion* → *фэйшен*); 2) унли товуш **u** → **и, а, о** (*business* → *бизнес*; *blockbuster* → *блокбастер*), (*bankrupt* → *банкрот*; *buoyant* → *бойент*); 3) унли товуш **au** → **ав** (*autarky* → *автаркия*; *autonomy* → *автономия*; *authoritarous* → *авторитар*).

Шу билан бирга, ўзбек тилида фақат Ғарбий Европа тилларига хос хусусиятларга эга бўлган сўзлар мавжуддир: 1) сўз бошида, ўртасида, охирида икки ҳар хил ёки бир хил унлиларнинг қўшилиб кетиши, масалан: *аудитор, роуминг, ноу-хау*; 2) жаранглаши бўйича ўхшаш ундош товушнинг мавжуд эмаслиги туфайли бир ундош бошқаси билан алмашилиши мумкин, масалан: инглиз ва немис тилларидаги **w** товуши → **в** тарзида (*western* → *вестерн*); **th** бирикмаси **т** тарзида (*authoritarianism* → *авторитаризм*; *Dartmouth* → *Дартмум*); **g[dʒ]** товуши **ж** тарзида (*digest* → *дайжест*, *manager* → *менежер*); **t** ундоши → **ч** тарзида талаффуз қилинади (*futures market* → *фьючерсли биржа*). Шу билан бирга, сўз бошида ва охирида кетмакет иккита ундошни ишлатиш ўзбек тилига хос эмас: *бренд-менежер, билл-брокер* ва х.қ.


Ўзбек тилида сўз ясалиши жараёнида нафақат ички ресурслардан фойдаланилади, балки деривация жараёнига Ғарбий Европа тиллардан морфемаларини жалб этилади. **Гипер-, супер-** (камдан кам **супра**) олд қўшимчалари орқали ўзлаштирилган сўзлар миқдори кўпаяди. **Супер-** олд қўшимчаси замонавий техника, фан, иқтисод соҳаларига оид сўзларда доимий равишда ишлатилади. Бугунги кунда **гипер-, супер-** олд қўшимчалари кўпгина одатий сўзлар таркибига кенг жалб этилади, бунинг натижасида орттирма даражадаги баҳолашни ўз ичига олган номлар ясалади. **Гипер-,**

²² Крысин Л. П. Иноязычное слово в контексте современной общественной жизни // Русский язык конца XX столетия (1985-1995). – Москва, 1996. – С.142-161.

мега-, супер-, ультра-, мульти- олд қўшимчалари кучайтириш маъносига эга бўлади, одатий мезондан юқори бўлган даражани англатади. *Нано-, мини-, микро-, евро-, био-* префиксоидлар гуруҳи сўзлар ёки уларнинг асослари билан янги сўзларнинг нисбатан бир хил майдонларини ҳосил қилади. Ғарбий Европа тилларидан ўзлашган сўзлар ҳисобига ўзбек тилининг луғат таркиби мураккаб ва қисқартма сўзлар билан бойида. Сўз ясалиши нуқтаи назаридан қуйидаги мисолларни қайд этишни лозим деб биламиз (1.1-жадвалга қараңг):

Мураккаб сўзларнинг турлари	Мисоллар	% да
Мураккаб қисқартма сўзлар:		
От+ Қисқартма	бўйруқ MS-DOS	1
Мураккаб қўшма сўз бирикмалар	янги WWW(World Wide Wed) дастури	0,1
Қисқартма+ Қисқартма	CD-ROM	0,2
Комбинациялаштирилган Ҳарфли + Рақамли	Veritas RS III	1,5
Мураккаб сўзлар:		
Дефис билан ёзиладиган от + от	бизнес-инкубатор	7
Бош келишиқдаги от + Қаратқич келишиқдаги от	маркетинг стратегиясини	1
От +Атоқли от	Банк оф Америкен	3
Сифат+ От	сенсорли дисплей	6
Сўзнинг иккала қисми қўшилиш натижасида мураккаб отлар	мультимедия	9
Сўзнинг иккала қисми ҳам ўзгариб турадиган ёки фақат битта компонентли ва дефис билан ёзиладиган мураккаб сўз	Agro-клик хизмати gala-концерт	7
Кўп компонентли сўз бирикмалар	банкнинг акциялар капитали	2
Жами:		37,8

Жадвалда тақдим этилган маълумотларни диаграмма мисолида тавсиф қиламиз (1.4- расмга қараңг):



1.4 –расм.Ўзбек тилидаги мураккаб ўзлашма сўзларнинг статистик таҳлили

Шундай қилиб, қисқартмалар, алифбо-рақамли компонентлардан ташкил топган мураккаб сўз ва ибораларнинг миқдорий таҳлили шуни кўрсатдики, улар ўзбек тилидаги Ғарбий Европа луғатларининг умумий ҳажмининг 37,8 % ташкил қилади.

Бизнинг ишимизда тематик гуруҳлар тушунчаси остида борлиқ буюм ва ҳодисаларининг ўз таснифларига асосланган сўзлар бирикмаларни тушунамиз.

Ғарбий Европа тилларидан ўзлашмалар таснифини тузишда биз ҳам ватандош, ҳам хорижий тилшуносларнинг илмий ишларига асосландик.

Ўзлашмаларни луғавий-маъновий белгиларига кўра куйидагича таснифладик:

- “Молия ва иқтисодиёт” мавзуй гуруҳидаги лексика;
- “Жамият ва сиёсат” мавзуй гуруҳидаги лексика;
- “Маданият ва таълим” мавзуй гуруҳидаги лексика;
- “Спорт” мавзуй гуруҳидаги лексика;
- “Компьютер технологиялари ва интернет” мавзуй гуруҳидаги лексика.
- “Реклама” мавзуй гуруҳидаги лексика.

Бу катта туркумларнинг ҳар бири сўзлар миқдори жиҳатдан турлича бўлган мавзу гуруҳларига бўлинади.

Таҳлил қилинган ўзлашган иқтисодий лексика (атамалар) таркибида касблар, пул бирликлари, шунингдек, иқтисодий фаолиятни амалга оширувчи муассасалар ва корхоналарнинг номларини ифодалайдиган кўп миқдордаги атамалар мавжудлигини кўрсатди:

1. Шаҳс ва муассасалар номлари: *“Дастур объектни янги инвесторга...”* (UZ EX Хабарлари. 2011. № 33);
2. Пул бирликларининг номлари: *“...эркин валюта (доллар, марка, иена ва ҳакозо) га алмаштиришга...”* (Халқ сўзи. 2009. № 111);
3. Халқаро компаниялар номлари: *“Google” компаниясининг онлайн-лойиҳаси...* (Ozbekiston ovozi. 2011. № 48). Лисоний материал таҳлили шуни кўрсатадики, юқорида келтирилган мисоллар атоқли отлар ҳисобланиб, ўзбек тилидаги чет тилларга хос унсурлар (вкрапления) сифатида қўлланилади.

Ўзлашган ижтимоий-сиёсий лексика сифатида биз тилнинг фаол таркибига яқинда кириб келган ижтимоий-сиёсий воқеликларни ифодаловчи сўзлар гуруҳини тушунамиз. Ҳозирги кунда даврий матбуотда фаол қўлланилиб келаётган ижтимоий-сиёсий лексиканинг турларини аниқ мисолларда кўриб чиқамиз:

1. Давлат бошқаруви ва ваколатли шахсни англатувчи номлар: *“Грузия парламентида спикер сайлови бўлиб ўтди”* (Халқ сўзи. 2004. № 2);
2. Муассаса ва давлат органлари номлари: *“АҚШ – парламент тусидаги...”*; *“Сенат - Конгресс таркибига киради”* (Термиз давлат университети. 2009. № 19);

3. Сиёсий оқимлар ва партиялар номлари: *“Парламентизм – Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари ...”* (Халқ сўзи. 2011. № 109);

4. Сайлов ва унга алоқадор технологияларнинг номлари (сиёсий маркетинг ва ҳ.к.): *““Паблик Рилейшнз” сўзи инглизча бўлиб, “жамоатчилик билан алоқалар”, “жамоатчилик билан муносабат”, “оммавий алоқалар хизмати” каби маъноларни билдиради, гарбда у қисқача Пи – Ар, деб аталади”* (Turkiston. 2004. № 12). Гарб ҳаёти воқеликларини ифодалаш учун қўлланилган ўзлашмалар ишлатилиши фаоллашиб бораётганлигини қайд қилиш лозим. Бундай лексемалар ўзбек тилида сўзлашувчи инсонга одатий ва тушунарли бўлиб қолди, улар Ўзбекистондаги сиёсий ҳаёт воқеликларини ифодаловчи атамалар сифатида қўлланилади.

5. Халқаро телеканаллар, газета ва журналлар, нашриётлар номлари: *“Le Figaro” нашрининг хабар беришича ...* (Давр мезони. 2013. № 11); *“BBC Newsning 21 январь кuni тарқатган хабарига кўра...”* (Нуқуқ. 2013. №7).

Ўзбек тилининг ижтимоий-сиёсий сўзлар луғатига ҳозир шундай ўзга тилларга оид сўзлар кириб келмоқдаки, улар илгари расмий матнларда ишлатилмас эди: *кибержсиноят, драгдилер, наркодилер, трафикинг ва бошқ.* Буни мисолларда кўрсатамиз: *“Ўғирлашга қаратилган кибер хужумлар, кибер жсиноятчилар томонидан...”; “Наркотранзитнинг тугатилиши...”; “Тожикистонлик наркодилерга Тошкентда...”* (Нуқуқ. 2013. № 185).

Юқорида айтилганлардан келиб чиқадики, ўзлашмалар ва уларнинг дериватлари бу соҳада номинатив, синонимик-дифференциатив функцияларни бажаради.

Спорт лексикаси ўзбек тилининг кенг ва ранг-баранг сўзлари катламини ташкил этади, уларни биз қуйидаги мавзуй гуруҳларга ажратдик:

1. Оммавий ва индивидуал спорт турларининг номлари: *“...Италияда ўтказилган армрестлинг (қўл қураши) бўйича...”* (Жамият. 2009. № 40);

2. Спортчилар номлари: *“Роллерлар, скейтерлар ва илк маротаба паркурчи-атлетлар ўртасида мусобақа...”* (Oila davrasida. 2013. № 30);

3. Стадион, спорт клуби, майдончанинг номи: *“Лондондаги “Соккер Доум” стадионида ўтказилди”* (Ozbekiston ovozi. 2011. № 31). *“Биз ушбу кўрсатувни боулинг клубдан олиб боряпмиз”* (ТВ дастурдан);

4. Ўйиндаги ҳаракатлар, вазиятлар / ҳолатлар номи: *“Ўйинчига дублга, учтага хет-трик, тўрттага эса покер ёки карега эришди...”* (Халқ сўзи. 2011. № 109); *“Кеча микст (аралаш жуфтлик) учрашувларида финалчилар...”* (Ўзбекистон овози. 2002. № 19);

5. Халқаро мусобақалар ва уларнинг қисмлари номи: *“ATP Champions Race рейтингига ҳаракатга кирди”* (Sport. 2000. № 33); *“ITP Limited” президенти Сассон Какшурунинг хизмати беқиёсдир* (Маърифат. 2002. № 33);

6. Дори-дармон воситаларининг номи: “**ТНГ стероидининг асосий вазифаси, спортчи қонидаги допинг изларини яширишдан иборат**” (Turkiston. 2004. № 18).

Таҳлил натижасида шу жиҳат аниқландики, ўзбек тилида маданий ахборотни тўплаш ва етказишда, маданиятлараро аспектда етакчи роль ўйнайдиган лексемаларнинг асосий қисми от сўз туркумига оид бирликлар, хусусан, спортнинг янги турлари номларидан иборат.

Қайд қилиш лозимки, компьютер терминологияси компьютер технологиялари тилости лексикаси соҳасидаги ўзлашмаларни тадқиқ этиш нисбатан яқинда вужудга келди ва ҳозирги вақтда компьютерлар ва ахборот тизимлари соҳасининг ўзидаги мураккаблашиш ва модернизация жараёнларини акс эттириб, мукаммаллашиб ва такомиллашиб бормоқда. Номланган кичик гуруҳларнинг ҳар бири ўзлаштирувчи тилда сўзлашувчи вакилларининг сўз ишлатилишидаги ўзига хос хусусиятлар билан тавсифланади:

1. Компьютерлар дунёсига алоқадор шахслар номлари: “...**фойдаланувчи рўйхатга олинган**”²³;

2. Компьютер ва унинг таркибий қисмлари, дастурий маҳсулотлар, браузерларнинг номлари: “... (**Pentium II**) **ушбу компьютерларни келтириб**” (Маърифат. 2002. № 88);

Ўзбек тилида Ғарбий Европа лексикасининг кенг тарқалиши борасида Интернет муҳим роль ўйнайди. Айнан у орқали кўп сўзлар, хусусан, атамалар, газета ва журналлар саҳифаларига кириб бориб, кенг қўлланиладиган бирликка айланади:

1. Тармоқ номлари: “ “**Facebook**”, “**Twitter**”, “**Odnoklassniki**” ва минглаб **ижтимоий тармоқлар**...”²⁴;

2. Фойдаланувчи ва уларнинг фаолияти билан боғлиқ номлар: “**Ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари виртуал суҳбатдошлар билан**...”; “**Flashmob**” **қатнашувчилари бир-бирини танимаслиги**...”²⁵;

3. Интернетга хизматларини тақдим қилувчи протоколлар ва тармоқ ресурслари: “...**TCP/IP (Transfer Control Protocol/ Internet Protocol)**га келтирилди. Кейинчалик бу баён **UNIX** Операцион тизими саҳифага киритилди” (Термиз давлат университети. 2003. № 29);

4. Интернет тармоғидаги хавфсизлик: “...**олиб ташлаш мақсадида “спам” хизмат тури ўйлаб топилди**” (Жануб вақти. 2012. № 10); “**Веб-сайтларга ноқонуний кириш, муаллифлик ҳуқуқини бузиш, кредит карточкалари рақами ва банк реквизитларини ўғирлаш (фишинг ва фарминг)**”²⁶;

²³ Мухаммад Амин Яхё. Интернетдаги таҳдидлардан ҳимоя. – Тошкент: Movarounnahr, 2016. – Б. 15.

²⁴ Ўша манба. – Б. 50-236.

²⁵ Ўша манба. – Б. 128-275.

²⁶ Ўша манба. – Б. 158-166.

5. Интерактив ўйинлар: “*Муккасидан кетган геймерлар кўпинча асаблари таранглиги...*”; “...аниқланишича, у “*Ever Quest*” номли компьютер ўйинига муккасидан кетган экан”²⁷;

Ҳозирги кунда лексиканинг катта ҳажми ўзлашмалардан иборат эканлиги таълим ва маданият соҳаларининг характерли жиҳати ҳисобланади. Маданият ва санъат номларига қуйидагилар тааллуқлидир:

1. Кино ва театр санъатининг асосий жанрлари, йўналишлари номлари, артистлар, режиссёрларнинг исмлари: “*Аманда Сайфрид янги триллерда суратга тушишга...*” (Oila davrasida. 2013. № 21);

2. Машҳур киностудиялар ва театр жамоаларининг номлари: “*Disney компанияси машҳур киностудия – Miramax Filmsни 663 миллион доллар ...*”; “*Dream Works Animation студияси бошлиғи...*” (Давр мезони. 2014. № 16);

3. Мусиқа: “... бир нечта хит тароналари, ажойиб клиплари билан”; “...албатта клипмейкер Наримон Султонхўжаев...”; “Нега фақат саундтреklar билан чекланысиз?” (Suhbatdosh. 2012. № 1).

Таълимга оид лексика қуйидаги гуруҳларни ўз ичига олади:

1. Таълим муассасалари, марказларнинг номлари: “...халқаро таълим дастурларини амалга оширувчи «*хаб*»га айлантириш”; “Илмий-тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш билан шуғулланувчи «*spin-off*» ва «*spin-out*» корхоналарини ташкил этиш...”²⁸;

2. Таълим соҳасидаги даражалар ва касбларнинг номлари: “...нафари фан доктори (*DSc*), 7506 нафари фан номзоди (*PhD*)...”; “Докторлик (таянч докторлик) илмий даражасини берадиган бинар (иккиталик) ҳимоялар тизимини жорий этиш”²⁹;

